

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

АБДИЕВА МАТЛУБА ШУКУРОВНА

**ЗАРАФШОН ДАРЁСИ ГИДРОКИМЁВИЙ РЕЖИМИ ВА УНИНГ
АНТРОПОГЕН ОМИЛЛАР ТАЪСИРИДА ЎЗГАРИШИ**

11.00.03 – Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**География фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on geographical sciences**

Абдиева Матлуба Шукуровна

Зарафшон дарёси гидрокимёвий режими ва унинг антропоген омиллар таъсирида ўзгариши3

Абдиева Матлуба Шукуровна

Гидрохимический режим реки Зеравшан и его изменения под влиянием антропогенных факторов.....21

Abdieva Matluba

Hydrochemical regime of the Zeravshan River and its changes under the influence of anthropogenic factors.....39

Нашр қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

АБДИЕВА МАТЛУБА ШУКУРОВНА

**ЗАРАФШОН ДАРЁСИ ГИДРОКИМЁВИЙ РЕЖИМИ ВА УНИНГ
АНТРОПОГЕН ОМИЛЛАР ТАЪСИРИДА ЎЗГАРИШИ**

11.00.03 – Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Gr48 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сайтида (www.nigmi.uz) ва "Ziynet" Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нишонов Баҳриддин Эркинович
техника фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Ҳикматов Фазлиддин Ҳикматович
география фанлари доктори, профессор

Хайдаров Сафарбой Абдирашитович
география фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

Ирригация ва сув муаммолари
илмий-тадқиқот институти

Диссертация химояси Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «12» сентябр соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: +99871 2358512, факс: +99871 2371319, e-mail: info@nigmi.uz).

Диссертация билан Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг Илмий-техника кутубхонасида танишиш мумкин (№15 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: +998 71 2358512, факс: +998 71 2371319.

Диссертация автореферати 2022 йил «27» август кунни таркатилди.
(2022 йил «27» август даги рақамли реєстр баённомаси).



Б.М.Холматжанов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, г.ф.д.

Э.Ю.Сафаров
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби в.в.б, т.ф.д.

Х.Т.Эгамбердиев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, г.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда бутун дунёда иқлим ўзгариши натижасида, сув ресурсларининг камайиб бориши билан бир вақтда, сув ҳавзаларига бўлган антропоген таъсир ортиб бормоқда. Бу борада БМТнинг Сув ресурслари ҳолати ҳақидаги ҳисоботида “Сув ресурслари ҳароратининг кўтарилиши, сувда эриган кислород миқдорининг камайиши ва мос равишда, чучук сувли сув ҳавзаларининг ўз-ўзини тозалаш қобилиятининг пасайиши натижасида уларнинг сифати ёмонлашади. Шунингдек, қурғоқчил даврларда, ифлослантирувчи моддалар концентрациясининг ортиши натижасида, сув ресурсларининг ифлосланиши хавфи мавжуд”¹, деб таъкидланади. Ушбу ҳолат арид ҳудудларда, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда дарёларнинг гидрокимёвий режимининг инсон хўжалик фаолияти таъсири натижасида ўзгаришларини ҳисобга олишни тақазо этади.

Жаҳонда мазкур йўналишдаги тадқиқотларга, жумладан, дарёларнинг гидрологик режими ва сув ресурсларининг сифатига антропоген омилларнинг таъсирини баҳолаш, трансчегаравий дарёларни ифлосланишлардан сақлаш ва улардан биргаликда самарали фойдаланиш, инсон фаолиятининг турли соҳаларида сувдан фойдаланишда сувтежамкор ва замонвий технологиялардан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, дунё миқёсида сув тақчиллиги ортиб бораётган шароитларда, кучли антропоген таъсир остидаги дарёларнинг гидрокимёвий режимини йиллар давомида ва ойлар бўйича турли сув режими фазаларининг даврлари ўзгаришларини тадқиқ этиш, шу асосда, дарёлар оқимидан оқилона фойдаланиш усулларини такомиллаштириш масалалари муҳим ҳисобланади.

Республикамизда трансчегаравий дарёлар, хусусан, Зарафшон дарёси сув ресурсларидан янада самарали фойдаланишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу борада сезиларли ижобий натижаларга эришилмоқда. Жумладан, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш,...атроф-табiiй муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш”² юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада республикамизнинг Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида асосий сув манбаи бўлган Зарафшон дарёсининг гидрокимёвий режимини, жумладан унинг антропоген омиллар таъсирида ўзгаришларини баҳолаш ҳамда дарё сув сифатини яхшилашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

¹ Всемирный доклад ООН о состоянии водных ресурсов, 2020 г. https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000372882_rus

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 17 ноябрдаги ПҚ-4896-сон «Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан фойдаланишни такомиллаштириш ва уларни турли хил ифлосланишлардан сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг дарёларнинг гидрокимёвий режимига салбий таъсирини баҳолаш, бу таъсирни камайтириш масалалари бўйича кўплаб хорижий олимлар, жумладан, дунёнинг ривожланган мамлакатларида Дж.Мур, С.Рамамурти, Ж.Е.Фергюссон, О.Олсон, А.Алонсо каби олимлар тадқиқотлар олиб борганлар.

Собиқ Иттифоқ ва МДҲ мамлакатларида О.А.Алёкин, А.А.Зенин, А.М.Никаноров, Е.Н.Тарасова, Ю.И.Израэль каби олимларнинг тадқиқотлари сув ҳавзалари, дарёлар, кўллар ва сув омборларининг сув сифати ва гидрологик режимини, уларнинг турли табиий ва антропоген омиллар таъсирида ўзгаришларини ўрганишга ҳамда бу жараёнларнинг салбий оқибатларини олдини олиш масалаларига бағишланган.

Ўзбекистонда ушбу йўналишдаги тадқиқотлар В.А.Шульц, А.М.Никитин, Ф.Е.Рубинова, Ю.Н.Иванов, Е.М.Видинеева, Э.И.Чембарисов, Р.В.Тарянникова каби олимлар томонидан олиб борилган. Ушбу тадқиқотларда дарёларнинг гидрологик ва гидрокимёвий режимларининг ўзгаришлари, дарёларнинг турли ифлослантирувчи моддалар билан ифлосланишлари, уларнинг сабаблари ва оқибатлари ёритилган.

Хусусан, Зарафшон дарёси ҳавзасининг гидрометеорологик шароитлари ва сув ресурслари В.Е.Чуб, Л.М.Карандаева, Ф.Ҳ.Ҳикматов, Ё.Қ.Хайитов, С.А.Ҳайдаров, Р.Р.Зияев томонидан кенг ёритилган. Зарафшон дарёсининг баъзи ифлослантирувчи моддалар билан ифлосланганлиги Р.А.Қулматов, К.Н.Тодерич томонидан тадқиқ этилган.

Бироқ, юқорида қайд этилган тадқиқотларда Зарафшон дарёси гидрокимёвий режими ва суви сифатининг йиллар, мавсумлар ва ойлар бўйича ўзгаришларига ҳамда уларга таъсир этувчи омилларга деярли эътибор қаратилмаган. Мазкур тадқиқот Зарафшон дарёсининг Ўзбекистон худудидан

оқиб ўтувчи қисмининг гидрокимёвий ўрганилганлиги аниқлаш, дарёнинг гидрокимёвий режими ва сув сифатини антропоген таъсир натижасида ўзгаришларини баҳолаш масалаларига бағишланганлиги билан юқоридаги ишлардан фарқ қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг А7-030 “Ўзбекистон дарёларининг ҳозирги гидрокимёвий ҳолати ўзгаришларини ўрганиш ва ГАТ технологияларидан фойдаланган ҳолда ер усти сувлари сифатини ахборот-таҳлил тизимини яратиш” (2015–2017 йй.) ва ПЗ-20170930385 “Ўзбекистон Республикаси ер усти сувлари сифатининг мониторинг тизимини оптималлаштириш” (2018–2020 йй.) мавзусидаги амалий тадқиқотлар лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Зарафшон дарёси гидрокимёвий режими ва унинг антропоген омиллар таъсирида ўзгаришларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Зарафшон дарёси ҳавзасининг табиий шароити ва дарёнинг гидрокимёвий ўрганилганлигини баҳолаш;

Зарафшон дарёси гидрокимёвий режими асосий компонентлари (минерализация, асосий анионлар ва катионлар, биоген элементлар, органик моддалар) миқдорининг дарё узунлиги бўйича йил давомида ва йиллараро ўзгаришларини тадқиқ этиш;

Зарафшон дарёси гидрокимёвий кўрсаткичларининг кўп йиллик маълумотлар электрон базасини яратиш;

Зарафшон дарёси сув ресурсларидан, сув сифатига боғлиқ ҳолда, ирригация ва бошқа мақсадларда фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

Зарафшон дарёси сувининг ифлосланиш даражасини баҳолашда ГАТ технологияларини қўллаш ва хариталаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Зарафшон дарёсининг Ўзбекистон қисми, хусусан Ўрта ва Қуйи Зарафшон олинган.

Тадқиқотнинг предмети Зарафшон дарёси гидрокимёвий режимини гидрологик режимнинг асосий қисми сифатида тадқиқ этиш, уни ифодаловчи гидрокимёвий кўрсаткичларнинг йиллар, сув режими фазалари ва ойлар бўйича ўзгаришларига ва сув сифатига антропоген омиллар таъсирини ўрганиш масалалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гидрокимёвий ҳисоблашлар ва баҳолашлар, умумлаштириш, математик статистика, корреляцион боғланишларни статистик баҳолаш, регрессион таҳлил ҳамда картографик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Зарафшон дарёси гидрокимёвий режимининг хусусиятлари унинг асосий ташкил этувчилари - минерализация, асосий ионлар, биоген ва органик моддалар бўйича аниқланган;

Зарафшон дарёсининг Ўзбекистон қисми гидрокимёвий режимининг

гидрологик режимга боғлиқлиги статистик баҳоланган;

Зарафшон дарёси гидрокимёвий режими ва суви сифатининг кўрсаткичлари, жумладан, минерализация, асосий ионлар, биоген ва органик моддалар, оғир металллар, пестицидлар микдорининг антропоген таъсир натижасида ўзгаришлари аниқланган;

Зарафшон дарёси сувининг сифатига таъсир кўрсатувчи асосий манбалар ва дарё суви сифатининг дарё узунлиги бўйлаб ўзгаришлари аниқланган;

Зарафшон дарёси сув ресурсларидан сув сифати ва минераллашувига кўра ирригация ва бошқа мақсадларда комплекс фойдаланиш имкониятлари баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

дарё узунлиги бўйича унинг гидрокимёвий режими ва сув сифатига таъсир этувчи асосий манбалар ва уларнинг сабабчиси бўлган антропоген омиллар аниқланган;

дарё узунлиги бўйича сув сифати кузатишлари олиб бориладиган гидрологик постлар маълумотлари асосида дарёнинг ионлари оқими аниқланган;

дарё узунлиги бўйича дарё суви минераллашув даражасининг ўзгаришларига асосий ионларнинг қўшган ҳиссалари ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи боғлиқлик коэффицентлари аниқланган;

дарё сувида мавжуд бўлган ифлослантирувчи моддалар микдорининг дарё узунлиги бўйича ўзгаришлари аниқланган;

Зарафшон дарёси кўп йиллик гидрокимёвий режимининг маълумотлари электрон базаси яратилган ва дарёнинг сув сифати ГАТ технологиялари ёрдамида хариталаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация ишини бажариш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет) ва Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимида ягона усулларда амалга оширилган сув сифатини кузатиш ва назорат қилиш маълумотларидан фойдаланилган. Мазкур маълумотларнинг ишончлилиги уларни қайта ишлашда умумқабул қилинган тадқиқот усуллари, жумладан, математик статистика усуллари қўлланилганлиги, уларнинг мазкур тадқиқот йўналишидаги бошқа муаллифларнинг натижалари билан мосликлари ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, улардан дарёларнинг гидрокимёвий режими ва сув сифатига таъсир этувчи антропоген омилларни тадқиқ этишда қўлланиладиган илмий ёндашувларни такомиллаштиришда ва сув ресурсларига антропоген таъсирни камайтиришнинг илмий асосланган тавсияларини ишлаб чиқишда фойдаланилиши имкониятларининг мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, тадқиқот жараёнида олинган асосий хулосалар ва тавсиялардан Зарафшон дарёси сув ресурсларидан, сув сифатини ҳисобга олган ҳолда, самарали фойдаланишни ташкил этишда, дарё ҳавзасида янги сув иншоотларини лойиҳалаш ва қуришда қўлланилишида, шунингдек, ишда қўлланилган услубий ёндашувларни республика олий таълим тизимида гидрокимё ва атроф-муҳит мониторинги соҳаси фанларини ўқитиш сифатини яхшилашга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Зарафшон дарёси гидрокимёвий режими ва унинг антропоген омиллар таъсирида ўзгариши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Зарафшон дарёси гидрокимёвий режимининг асосий ташкил этувчилари – минерализация, асосий ионлар, биоген ва органик моддалар бўйича аниқланган хусусиятлари маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказида Зарафшон дарёси гидрокимёвий режими ҳолатини ва дарё узунлиги бўйича дарёни ифлосланиш даражасини ва манбаларини аниқлашда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг 2022 йил 8 апрелдаги 06-08/01-9-сон маълумотномаси). Натижада дарё гидрокимёвий режими ҳолати ҳақидаги маълумотларга аниқлик киритиш имконини берган;

Зарафшон дарёсининг Ўзбекистондан оқиб ўтувчи қисмидаги гидрокимёвий режимининг гидрологик режимга боғлиқлигини статистик баҳолаш маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказида минерализация миқдорининг йиллар, ойлар ва сув режими фазалари бўйича ўзгаришларини аниқлашда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг 2022 йил 8 апрелдаги 06-08/01-9-сон маълумотномаси). Натижада дарёнинг гидрологик режими асосида унинг гидрокимёвий режимидаги ўзгаришларни аниқлаш имконияти яратилган;

Зарафшон дарёси гидрокимёвий режими ва суви сифатининг кўрсаткичлари, жумладан, минерализация, асосий ионлар, биоген ва органик моддалар, оғир металлар, пестицидлар миқдорининг антропоген таъсир натижасида ўзгаришлари маълумотлари ҳамда Зарафшон дарёсининг кўп йиллик гидрокимёвий маълумотлар электрон базаси ва дарёнинг сув сифати ҳақида ГАТ технологиялари ёрдамида яратилган хариталардан Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказида дарё суви сифати тўғрисида ҳисоботлар тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг 2022 йил 8 апрелдаги 06-08/01-9-сон маълумотномаси). Натижада дарё сувининг сифати ҳақидаги маълумотларни тайёрлаш ва сув сифатини баҳолаш натижаларини тақдим этиш самдорлигини ошириш имконини берган;

Зарафшон дарёсининг суви сифатига таъсир кўрсатувчи асосий манбалар ва сув сифатининг дарё узунлиги бўйлаб ўзгаришлари ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимида Зарафшон дарёси ҳавзасида

атроф-муҳит ҳолатини баҳолашда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2022 йил 11 апрелдаги 875-сон маълумотномаси). Натижада Зарафшон дарёси сув сифатига таъсир этадиган манбаларнинг салбий таъсирини камайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш имконини берган;

Зарафшон дарёси узунлиги бўйича сув ресурсларидан сув сифатига кўра ирригация мақсадларида ва комплекс баҳолаш бўйича натижалар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимида Зарафшон дарёси сувидан турли мақсадларда фойдаланишни режалаштиришда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2022 йил 11 апрелдаги 875-сон маълумотномаси). Натижада Зарафшон дарёси сув ресурсларидан муайян мақсадларда фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётда жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **биринчи** боби “Зарафшон дарёси ҳавзасининг табиий-географик шароити ва гидрокимёвий ўрганилганлиги” деб номланади. Дарёлар гидрокимёвий режимининг шаклланишида дарё ҳавзаларининг табиий географик шароити асосий ўрин тутаяди. Шуни эътиборга олган ҳолда, ишда Зарафшон дарёси ҳавзасининг географик ўрни, геологик тузилиши ва рельефи, иқлим шароити, тупроқ ва ўсимлик қоплами, гидрологияси ва гидрогеологияси дарё гидрокимёвий режими ва суви

сифатининг шаклланиши нуқтаи-назаридан кўриб чиқилган ҳамда дарё узунлиги бўйича гидрокимёвий ўрганилганлиги таҳлил қилинган.

Тадқиқот объекти сифатида танлаб олинган Зарафшон дарёси, қўшни Тожикистон Республикаси билан трансчегаравий дарё бўлиб, диссертация ишида асосий эътибор унинг Ўзбекистон ҳудуди, яъни Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларидан оқиб ўтадиган қисмининг гидрокимёвий режимини ўрганишга қаратилган.

Зарафшон дарёси ҳавзасининг табиий географик шароити ҳамда дарё оқимининг шаклланиши ҳақида В.Л.Шульц, О.П.Щеглова, Л.Н.Бабушкин, А.С.Щетинников, Д.П.Соколов, М.А.Насиров, Г.Е.Глазырин, В.Е.Чуб, В.Г.Коновалов, Б.К.Царёв, С.И.Инагамова, Л.М.Карандаева, Р.Машрапов, Х.Сиддиқов ва бошқаларнинг илмий ишларида келтирилган маълумотлар таҳлил қилинган ва дарё оқимининг шаклланишида табиий географик омиллар муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган.

Зарафшон дарёсининг гидрокимёвий режими XX асрнинг 70-80-йилларида Ф.Э.Рубинова томонидан ўрганилган. Дарё сувининг сифати бўйича, Ю.Н.Иванов, В.Е.Чуб, Э.И.Чембарисов, Б.А.Бахритдинов, С.Р.Шодиев, М.А.Якубов, Р.А.Кулматов, П.И.Норматов, Ё.Қ.Хайитов, М.Икромов, Т.Хўжаназаров ва бошқалар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.


Зарафшон дарёсида сув сифатининг узлуксиз кузатув ишлари 1967 йилда Самарқанд, Навоий (юқори) ҳамда Навоий (қуйи) пунктларида, 1968 йилда Хатирчи пунктида бошланган. Турли йилларда дарёнинг гидрокимёвий кузатув пунктлари сони 13 тани ташкил қилган. Ҳозирги вақтда Зарафшон дарёси сувининг сифати 11 пунктда 50 дан ортиқ гидрокимёвий кўрсаткичлар бўйича кузатиб борилади. Зарафшон дарёси сувининг сифатини кузатиш ишларини 4 даврга ажратиш мумкин: *XIX асрнинг 70-йиллари – 1917 йил* - бу даврда дарё сувининг сифати умуман ўрганилмаган, фақатгина 1914 йилдан бошлаб Зарафшон дарёсида дастлабки сув сарфини ўлчаш ишлари олиб борилган; *1918-1966 йиллар* - совет даври бўлиб, бу даврда дарёдаги гидрологик кузатувлар тармоғи кенгайган, бироқ гидрокимёвий кузатишлар эпизодик тарзда олиб борилган; *1967-1990 йиллар* - бу ҳам совет даврига кириб, 1967 йилдан бошлаб Зарафшон дарёсида сув сифати мониторинги 3 та кузатув пунктида амалга оширилган; *1991 йилдан кейинги давр* - мустақиллик йилларида Зарафшон дарёси сувнинг сифати 9 та кузатув пунктида мунтазам олиб борилиб, 2011 йилда кузатув пунктлари сони 11 тага етган.

Муаллиф томонидан Зарафшон дарёсидаги сув сифатини кузатиш пунктларининг координаталари дала шароитида GPS ёрдамида аниқланди ва кузатув пунктларининг жойлашиш харитаси тузилди (1-расм).

Диссертациянинг **“Зарафшон дарёсининг замонавий гидрокимёвий режими”** деб номланган **иккинчи** бобида Зарафшон дарёси гидрокимёвий режимини замонавий ўзгаришларини ўрганишга устувор аҳамият берилган.


Тадқиқотда Зарафшон дарёси гидрокимёвий режими кўрсаткичлари дарё узунлиги ва вақт бўйича қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганилган:

минерализация; асосий ионлар (гидрокарбонат, сульфат, хлорид, кальций, натрий, магний ва калий); сувда эриган газлар – кислород, карбонат ангидрид; биоген моддалар – азот бирикмалари, фосфор, кремний, темир; органик ифлосланиш – кислороднинг кимёвий истеъмоли (ККИ), кислороднинг биокимёвий истеъмоли (КБИ), нефт маҳсулотлари, фенол, синтетик сирт фаол моддалар (ССФМ), пестицидлар (гексахлоран, линдан, ДДТ ва унинг метаболитлари, рогор); оғир металллар - мис, рух, марганец, никел, хром (VI), хром (III), қўрғошин, кадмий, симоб.



1-расм. Зарафшон дарёси суви сифатини кузатиш пунктларининг жойлашиши

Зарафшон дарёси гидрокимёвий режимининг шаклланишига бир қанча табиий ва антропоген омиллар таъсир қилади. Оқим шаклланиши зонасида гидрокимёвий режим асосан гидрологик режимга боғлиқ бўлиб, минерализациянинг умумий ўзгариши сув сарфи ўзгаришига тескари боғланишда бўлади, яъни сув сарфи ортиши билан минерализация камаяди ва аксинча. Дарё оқимидан интенсив фойдаланиш зонасида, антропоген таъсир натижасида, унинг гидрокимёвий режими ўзгаради. Таҳлиллар натижасида Зарафшон дарёси узунлиги бўйича ионли оқим миқдорининг ортиши, жумладан, дарё суви минераллашув даражасининг Равотхўжа ва Хатирчи пунктлари орасида камроқ ўзгариши, аксинча, Навоий ва Бухоро пунктларида кескин ортиши аниқланган (2-расм). Шунингдек, дарё сувида минерализация миқдорининг кўпсувли йилларга нисбатан камсувли йилларда юқори бўлиши аниқланган.




2-расм. Зарафшон дарёси суви минерализациясининг дарё узунлиги бўйлаб ўзгариши

Зарафшон дарёсининг Ўзбекистонга кириш қисмида - Равотхўжа пунктида, минерализация миқдори 252,7-318,8 мг/дм³, Хатирчи пунктида 347,8-639,1 мг/дм³, Навоий (юқори) пунктида 908,0-1875,1 мг/дм³, Навоий


(қуйи) пунктида 994,4-2117,7 мг/дм³, Бухоро (қуйи) пунктида 2260,1-2652,2 мг/дм³ оралиғида ўзгаради (3а-расм). Дарёнинг қуйи қисмида минерализация ортишининг асосий сабаби - дарёга минерализацияси юқори бўлган коллектор-дренаж сувларининг қўшилишидир. Зарафшон дарёсининг суви Равотхўжа ва Самарқанд пунктларида - ўртача минераллашган, Сиёб, Сиёб (қўшимча), Каттакўрғон, Толигулён, Хатирчи пунктларида – юқори минераллашган, Навоий (юқори), Навоий (қуйи), Бухоро (юқори) ва Бухоро (қуйи) пунктларида – жуда юқори минераллашган сувлар гуруҳига киради.

Зарафшон дарёси суви минерализациясининг йил ичида – ойлар бўйича ўзгаришлари таҳлили натижасида, минерализация деярли барча кузатиш пунктларида, октябрь-декабрь ва январь-апрель ойларида юқори, май-сентябрь ойларида, аксинча паст бўлиши аниқланган, бу минерализациянинг дарё оқими миқдорида боғлиқлигини кўрсатади: тўлинсув даврида минерализация паст, камсув даврда минерализация юқори бўлади (3б-расм).



3-расм. Зарафшон дарёси кузатув пунктларида минерализациянинг ўзгаришлари: а) ўртача йиллик, б) ўртача ойлик (1990-2019 йй.)

Зарафшон дарёси узунлиги бўйича сув сарфи камайиб, оқова сув ташлаш ҳажми ҳамда дарё сувидан фойдаланиш миқдори ортади. Дарёнинг сув сарфи ўлчанадиган 4 та, яъни Равотхўжа, Самарқанд, Хатирчи, Навоий (юқори) пунктларида минерализациянинг сув режими фазаларидаги оқим миқдорларига боғлиқлигини ўрганиш натижасида, дарё узунлиги бўйлаб сув сарфи камайиши фониди, минерализациянинг ортиши аниқланди (4-расм).



4-расм. Зарафшон дарёси кузатув пунктларида ўртача ойлик минерализация миқдори ва сув сарфининг ўзгаришлари

Ушбу пунктлар учун Зарафшон дарёси сув режимининг турли даврлардаги сув сарфи ва минерализация миқдорининг боғлиқлигини ифодаловчи регрессия тенгламалари тузилган ва уларнинг аниқлиги баҳоланган (1-жадвал). Натижалар Зарафшон дарёсининг Равотхўжа пунктида турли даврлардаги сув сарфи ва минерализация миқдорининг боғлиқлигини ифодаловчи регрессия тенгламалари ишончилигининг қолган кузатув пунктларига нисбатан юқори эканлигини кўрсатди.

1-жадвал

Зарафшон дарёси сув режимининг турли фазаларидаги сув сарфи ва минерализация миқдорининг боғлиқлигини ифодаловчи регрессия тенгламалари ва уларнинг аниқлиги

Кузатув пунктлари	Давр	Минерализация, г/дм ³	Сув сарфи, м ³ /с	Тенгламалар	$r \pm \sigma_r$
Равотхўжа	Йиллик	288,1	67,6	$y = -0,2524x + 305,18$	$0,57 \pm 0,07$
	Тўлинсув	251,8	149,9	$y = -0,0468x + 258,82$	$0,20 \pm 0,11$
	Камсувли	324,6	19,5	$y = 0,363x + 317,53$	$0,17 \pm 0,11$
Самарқанд	Йиллик	305,9	38,7	$y = -0,2853x + 316,98$	$0,14 \pm 0,09$
	Тўлинсув	252,6	61,2	$y = -0,4099x + 277,76$	$0,27 \pm 0,08$
	Камсувли	346,6	13,8	$y = -0,8091x + 357,86$	$0,16 \pm 0,09$
Хатирчи	Йиллик	433,4	29,6	$y = 0,5444x + 417,3$	$0,11 \pm 0,09$
	Тўлинсув	384,4	42,3	$y = 0,3348x + 370,3$	$0,12 \pm 0,09$
	Камсувли	533,1	16,9	$y = 1,5398x + 507,11$	$0,14 \pm 0,09$
Навоий	Йиллик	1110,7	38,7	$y = -5,6508x + 1329,5$	$0,33 \pm 0,08$
	Тўлинсув	960,7	37,2	$y = -3,2183x + 1080,7$	$0,44 \pm 0,07$
	Камсувли	1268,5	40,7	$y = -6,9203x + 1550,2$	$0,23 \pm 0,08$

Изоҳ: $r \pm \sigma_r$ - корреляция коэффиценти ва унинг хатолиги.

Дарёлар сувидаги асосий ионлар – Na^+ , K^+ , Ca^{2+} , Mg^{2+} , Cl^- , SO_4^{2-} , HCO_3^- сузда эриган моддаларнинг 90% гача қисмини ташкил этганлиги сабабли, улар Зарафшон дарёси ионли оқими таркибини тавсифлаш учун қўлланилди. Зарафшон дарёси сувининг дарё узунлиги бўйича минерализациянинг ортиши билан ионлар таркиби ҳам ўзгаради. Дарё узунлиги бўйича HCO_3^- иони ва минерализация орасидаги боғлиқлик камаяди ва бир вақтда SO_4^{2-} , Cl^- , Na^+ , Mg^{2+} билан боғлиқлик, яъни токсик ионларнинг минерализациядаги ҳиссалари ортади.

Барча кузатув пунктлари учун дарё сувининг минерализацияси ва ундаги асосий ионлар миқдорлари орасидаги боғлиқлик тенгламалари тузиш ва уларнинг аниқлиги баҳоланган асосида Самарқанд пунктида минерализациянинг HCO_3^- , SO_4^{2-} , Ca^{2+} , Mg^{2+} ионлари билан боғлиқлиги, Толигулиён пунктида HCO_3^- , SO_4^{2-} , Cl^- , Ca^{2+} , Mg^{2+} , Na^+ ионлари билан боғлиқлиги юқори эканлиги аниқланди (2-жадвал).

Сувнинг қаттиқлиги саноатнинг турли тармоқларида ва хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиладиган сув сифатига салбий таъсир кўрсатади. Зарафшон дарёсининг суви Равотхўжа пунктида юмшоқ сувлар гуруҳига кириши, унинг қуйига қараб, Навоий (юқори) пунктидан бошлаб, жуда қаттиқ сувлар гуруҳига ўзгариши аниқланган.

Зарафшон дарёси суви минерализациясининг ионлар концентрацияси
билан боғлиқлиги тенгламалари

Самарқанд пункти		Толигулиён пункти	
Регрессия тенгламаси	Корреляция коэффициенти ва унинг хатолиги $r \pm \sigma_r$	Регрессия тенгламаси	Корреляция коэффициенти ва унинг хатолиги $r \pm \sigma_r$
$\text{HCO}_3^- = 0,1669\Sigma U + 95,31$	0,70÷0,06	$\text{HCO}_3^- = 0,3102\Sigma U + 59,241$	0,83÷0,03
$\text{SO}_4^{2-} = 0,3501\Sigma U - 32,579$	0,84÷0,03	$\text{SO}_4^{2-} = 0,3327\Sigma U - 31,562$	0,76÷0,05
$\text{Cl}^- = 0,0261\Sigma U - 0,796$	0,46÷0,09	$\text{Cl}^- = 0,0886\Sigma U - 22,402$	0,72÷0,05
$\text{Ca}^{2+} = 0,0707\Sigma U + 21,488$	0,66÷0,06	$\text{Ca}^{2+} = 0,0618\Sigma U + 25,753$	0,70÷0,06
$\text{Mg}^{2+} = 0,0621\Sigma U - 0,447$	0,73÷0,05	$\text{Mg}^{2+} = 0,0786\Sigma U - 4,551$	0,84÷0,03
$\text{Na}^+ = 0,0568\Sigma U - 5,598$	0,46÷0,09	$\text{Na}^+ = 0,1421\Sigma U - 36,173$	0,83÷0,03
$\text{K}^+ = 0,004\Sigma U + 0,296$	0,44÷0,09	$\text{K}^+ = 0,0042\Sigma U + 0,135$	0,44÷0,09

Диссертация ишида Зарафшон дарёси сувида эриган моддалар оқими (ионли оқим) ҳам ўрганилган (3-жадвал).

Зарафшон дарёсининг ионли оқими, Q_U , кг/с

Ойлар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
Равотхўжа	8,9	8,6	7,1	8,1	13,6	35,6	44,7	24,6	12,3	5,7	6,2	8,0
Самарқанд	8,5	8,9	4,7	3,9	7,9	24,0	30,8	14,4	7,7	3,0	4,2	7,3
Хатирчи	10,3	13,2	9,2	8,4	11,8	14,4	19,3	12,3	9,1	7,7	7,2	8,1
Навоий	60,6	71,8	60,7	43,9	32,1	34,2	35,8	18,3	18,7	27,8	31,4	54,9

Диссертациянинг “Зарафшон дарёси гидрокимёвий режимининг антропоген таъсир натижасида ўзгаришлари” деб номланган учинчи бобида дарёлар гидрокимёвий режимига таъсир этувчи антропоген омиллар ва улар таъсирини тадқиқ этиш усуллари кўриб чиқилган. Зарафшон дарёси минерализацияси ва ион таркибининг антропоген таъсир остида ўзгаришлари ўрганилган.

Зарафшон дарёси сувидаги минерализация миқдорининг Ўзбекистон худудида ортишининг асосий сабаби - коммунал маиший, саноат ва қишлоқ хўжалиги оқава ҳамда қайтарма сувларнинг дарёга ташланиши билан боғлиқ.

Ўзбекистон худудида Зарафшон дарёси сувини асосий ифлослантирувчи манбалари: Самарқанд вилоятида - Сиёб, Чиганок, Хаузаксой, Толигулиён коллекторлари ҳамда Бойназар оқава сувларни тозалаш иншооти оқовалари бўлса, Навоий вилоятида - Навоий (юқори), Марказий, Мирза-мўмин, Бишкент, Санитарний коллекторлари сувлари, Бухоро вилоятида - Денгизкўл, Марказий Бухоро, Оғитма, Парсонкўл, Бош сув ташлаш тракти, Асосий Қоракўл, Марказий Олот, Жанубий Олот, Ғарбий Қоракўл, Бибиширин, Ғарбий Ромитан коллекторлари ҳисобланади. Шунингдек, Зарафшон дарёси сувининг сифатига Тожикистонда жойлашган “Анзоб” тоғ-кон қайта ишлаш заводининг оқава сувлари ҳам салбий таъсир кўрсатиши натижасида, дарёнинг Ўзбекистон худудига кириш қисмидан бошлаб, унинг оғир металллар билан ифлосланиши кузатилади.

Тадқиқот натижаларига кўра, Зарафшон дарёсининг Равотхўжа пунктдан то Хатирчи пунктгача дарё суви гидрокарбонатлар синфига,

Навоий (юқори) пунктидан то Бухоро (қуйи) пунктигача сульфатлар синфига ўзгаради. Бунда Зарафшон дарёсининг юқори қисмида - Равотхўжа, Самарқанд пунктларида дарё суви кальций гидрокарбонатли ($\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$) бўлиб, Сиёб, Сиёб (қўшимча), Толигулён, Каттакўрғон, Хатирчи пунктларида магний гидрокарбонатга ($\text{Mg}(\text{HCO}_3)_2$), дарёнинг қуйи қисмида Навоий (юқори), Навоий (қуйи), Бухоро (юқори) ва Бухоро (қуйи) пунктларида магний сульфатга (MgSO_4) ўзгаради. Зарафшон дарёси сувининг ўртача кўп йиллик таркибини ўрганиш натижасида, антропоген таъсир сабабли оқим узунлиги бўйлаб дарё сувининг гидрокарбонат-кальций типидан сульфат-натрий типига “метаморфизацияси” содир бўлиши аниқланди.

Диссертация ишида Зарафшон дарёси узунлиги бўйича унинг суви сифатига антропоген таъсирнинг ортиши миқдорий баҳолашда дарё оқимининг шаклланиш зонаси бўлган Тожикистон ҳудуди бўйича Зарафшон дарёси сувининг сифати ҳақида маълумотлар олишнинг имкони бўлмаганлиги сабабли дарёнинг тоғдан чиқиш қисмида жойлашган Равотхўжа пункти шартли равишда антропоген таъсирга учрамаган, деб қабул қилинди.

Зарафшон дарёси суви сифатини белгиловчи асосий элементларнинг антропоген таъсир натижасида дарё узунлиги бўйлаб ўзгаришини миқдорий баҳолашда қуйидаги ифодадан фойдаланилди:

$$K_i = \frac{X_i}{X_p} * 100\%,$$

бу ерда: K_i – кўрсаткичларнинг ўзгариш даражаси, %; X_i – кўрилатган кузатув пунктидаги кўрсаткич, мг/дм³; X_p – Равотхўжа пунктидаги кўрсаткич, мг/дм³.

Антропоген таъсир натижасида дарё сувининг минерализациясининг Равотхўжа пунктига нисбатан Навоий шаҳри яқинидаги пунктларда 400%га, Бухоро шаҳри яқинидаги пунктларда 800%га ортиши, шунингдек, мос равишда, хлоридлар 1600% ва 5400%, сульфатлар 800% ва 1500%, натрий 1300% ва 2900%, калий 300% ва 1000%, кальций 250% ва 400%, магний 500% ва 1000% га ортиши аниқланган (4-жадвал).

4-жадвал

Зарафшон дарёси суви сифатининг антропоген таъсир натижасида ўзгариши (Равотхўжа пунктига нисбатан)

Кузатиш пункти	Ўзгариш даражаси, K_i , %							
	М	Cl	SO_4^{2-}	HCO_3^-	Na^+	K^+	Ca^{2+}	Mg^{2+}
Самарқанд	106,6	119,7	109,5	106,6	110,3	111,6	105,4	112,3
Сиёб	154,4	518,4	183,0	204,9	288,0	173,3	180,8	232,7
Сиёб (қўшимча)	214,0	307,9	148,9	153,4	207,1	142,7	140,5	174,4
Толигулён	137,4	208,1	142,4	131,8	183,3	127,7	120,6	157,4
Каттакўрғон	151,2	223,5	184,4	125,5	241,5	142,6	122,1	175,3
Хатирчи	167,0	223,8	197,3	140,6	251,4	155,5	122,1	200,2
Навоий (юқори)	409,0	1580,6	716,3	176,2	1333,8	287,6	245,5	515,5
Навоий (қуйи)	460,6	1968,8	823,4	173,3	1287,7	334,0	286,6	572,5
Бухоро (юқори)	841,0	5411,8	1509,4	240,1	2901,5	918,4	413,1	1067,1
Бухоро (қуйи)	843,3	5383,8	1493,0	251,8	2833,6	1019,5	431,6	1061,6

Изоҳ: М – минерализация.

Диссертациянинг “Зарафшон дарёси суви сифатини баҳолаш” деб номланган **тўртинчи** бобида сувни ифлослантирувчи биоген ва органик моддалар, оғир металллар, пестицидлар миқдорларининг дарё узунлиги ва йил давомида, ойлар, мавсумлар бўйича ўзгаришлари ўрганилди ҳамда дарё сувининг ирригация ҳамда бошқа мақсадларда фойдаланишга яроқлилиги комплекс баҳоланди.

Зарафшон дарёсида аммоний азотининг ($N-NH_4^+$) ўртача кўп йиллик миқдори $0,03 \text{ мг N/дм}^3$ дан $0,5 \text{ мг N/дм}^3$ гача ўзгариб туради. Сиёб пунктида унинг миқдори РЭМ дан 1,2 мартага ортганлиги аниқланди. Дарё сувида нитрит азотининг ($N-NO_2^-$) ўртача кўп йиллик миқдори $0,01-0,17 \text{ мг N/дм}^3$ оралиғида кузатилди. Барча кузатув пунктларида нитритлар миқдори РЭМдан юқорилиги аниқланди. Айниқса, Сиёб пунктида, дарёга қишлоқ хўжалиги оқава сувлари ташланиши сабаб, уларнинг миқдори РЭМга нисбатан 8,5 мартага, Навоий (қуйи) пунктида, “Навоийазот” корхонасининг оқава сувларининг таъсири сабаб, 3,3 мартага ортган. Зарафшон дарёси сувида нитрат азотининг ($N-NO_3^-$) ўртача кўп йиллик миқдори $0,82-3,65 \text{ мгN/дм}^3$ оралиғида ўзгарган, дарё узунлиги бўйлаб нитратлар миқдори РЭМдан ошмайди, бироқ, “Навоийазот” корхонаси оқава сувларининг таъсири сабаб, Навоий (қуйи) пунктида РЭМга нисбатан юқори миқдорда кузатилди.

Зарафшон дарёси узунлиги бўйлаб кислороднинг биокимёвий истеъмоли ($КБИ_5$) ўртача кўп йиллик миқдори $0,95-2,21 \text{ мгO}_2/\text{дм}^3$, ККИнинг миқдори $3,32-26,30 \text{ мгO}/\text{дм}^3$ оралиғида кузатилган. Дарёнинг Работхўжа пунктида ККИ миқдори $1,75-4,26 \text{ мгO}/\text{дм}^3$, Бухоро (қуйи) пунктида $17,60-34,70 \text{ мгO}/\text{дм}^3$ ни ташкил қилади. Дарёнинг Сиёб пунктида ККИ миқдори Работхўжа пунктига нисбатан уч марта ортади, Навоий (юқори) пунктидан то Бухоро (қуйи) пунктигача эса ККИ миқдори кескин (саккиз мартагача) ортиб боради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Зарафшон дарёси сувининг 85 фоизидан ирригация мақсадларида фойдаланилади: дарё суви Самарқанд (376373 га), Навоий (91264 га), Жиззах (48325 га) ва Қашқадарё (43607 га) вилоятлари ерларини суғориш учун каналлар орқали етказиб берилади.

Диссертация ишида сувнинг суғоришга яроқлилигини баҳолаш учун И.Н.Антипов-Каратаев ва Г.М.Кадер, А.В.Можайко ва Т.К.Воротник, М.Ф.Буданов ҳамда натрий адсорбцион баланс (SAR) усулларида фойдаланилди (5-жадвал). Зарафшон дарёси суви Самарқанд вилоятида ирригация мақсадларида фойдаланишга яроқли бўлса, Навоий вилояти худудида сувнинг сифати ёмонлашиб, қониқарсиз ҳолатга ўтади, Бухоро шаҳридан кейин эса унинг сифати суғориш мақсадларида фойдаланиш учун ҳам яроқсиз бўлиб қолади. Бундай таркибли сувда суғориш, таъкидлаш лозимки, ерларнинг иккиламчи шўрланишига олиб келиши мумкин.

Зарафшон дарёси сув сифатини комплекс баҳолаш Ўзгидрометнинг кўп йиллик (1990–2019 йй.) гидрокимёвий маълумотларидан фойдаланган ҳолда, сувнинг ифлосланиш индекси (СИИ) асосида амалга оширилди. СИИ 6 та гидрокимёвий кўрсаткич (сувда эриган кислород миқдори, кислороднинг

биокимёвий истеъмоли (КБИ) ва рухсат этилган концентрация (РЭК) га нисбатан энг юқори кўрсаткичга эга бўлган бошқа тўртта ифлослантирувчи модда) нинг ўрта арифметик қиймати сифатида ҳисобланди.

5-жадвал

Зарафшон дарёси суви сифатини ирригация мақсадлари учун баҳолаш

Ҳисоблаш ифодалари	Равотхўжа	Самарқанд	Сиёб	Сиёб (қўшимча)	Толигулиён	Каттақўрғон	Хатирчи	Навоий (юқори)	Навоий (қуйи)	Бухоро (юқори)	Бухоро (қуйи)
$K_1 = \frac{(Ca^{2+} + Mg^{2+})}{(Na^+ + 0,238 \Sigma U)}$	4,94	6,08	4,46	3,97	4,64	3,74	3,89	1,74	2,06	1,57	1,62
$K_2 = \frac{(Na^+ + K^+) \cdot 100}{(Ca^{2+} + Mg^{2+} + Na^+ + K^+)}$	17,81	14,98	18,96	20,94	18,42	21,79	21,13	36,91	33,04	39,43	38,78
$K_3 = \frac{Na^+}{(Ca^{2+} + Mg^{2+})} \cdot 100\%$	56,72	46,24	51,27	61,36	51,64	54,25	57,60	63,00	61,72	67,28	66,90
$SAR = \frac{Na^+}{\sqrt{\frac{Ca^{2+} + Mg^{2+}}{2}}}$	0,45	0,42	0,80	0,69	0,63	0,81	0,81	2,74	2,46	4,19	4,14


Изоҳ: K_1 - И.Н. Антипов-Каратаев ва Г.М. Кадер усули, K_2 - А.В. Можайко ва Т.К. Воротник усули, K_3 - М.Ф.Буданов усули, SAR - натрий адсорбцион баланс усули; ΣU – минерализация, г/дм³; Ca^{2+} , Mg^{2+} , Na^+ , K^+ - катионлар концентрацияси, мг-экв/дм³.

СИИ бўйича сувлар етти синфга ажратилади: I синф (СИИ≤0,03) - тоза сувлар, II синф (0,3<СИИ≤1,0) - кучсиз ифлосланган, III синф (1,0<СИИ≤2,5) - қисман ифлосланган, IV синф (2,5<СИИ≤4,0) - кам ифлосланган, V синф (4,0<СИИ≤6,0) - ифлосланган, VI синф (6,0<СИИ≤10,0) – ифлос ва VII синф (10,0<СИИ) - жуда ифлос сувлар.

Зарафшон дарёси суви сифатининг кўп йиллик маълумотлар бўйича тахлили, дарё сувидаги ифлослантирувчи моддалар - минерализация, ККИ ва КБИ₅, азот бирикмалари (аммоний, нитрит, нитрат), фтор, темир ва оғир металллар (мис, рух, хром) миқдорининг Самарқанд вилояти худудидан бошлаб қуйи, яъни Навоий ҳамда Бухоро вилоятлари томон ортиб боришини кўрсатди, у СИИ қийматининг ортишида ҳам акс этади.

Зарафшон дарёси сувининг сифати, 1990–2019 йиллар давомида, СИИ бўйича барча пунктларда II синф (кучсиз ифлосланган сувлар)дан V синф (ифлосланган сувлар)гача ўзгариб туради. Дарёнинг Сиёб, Сиёб (қўшимча), Навоий (қуйи) ҳамда Бухоро (қуйи) пунктларида бошқа пунктларга нисбатан СИИ юқори. Зарафшон дарёсига антропоген таъсирнинг ортиши дарё узунлиги бўйлаб унинг суви сифатининг ёмонлашишига олиб келади.

Диссертация ишини бажариш давомида тўпланган бирламчи материаллар асосида, Зарафшон дарёси сув сифати маълумотлари электрон базаси яратилди. Шунингдек, ишда дарё сувидаги рухсат этилган меъёр (РЭМ) дан юқори бўлган ифлослантирувчи моддалар танлаб олинди ва дарё узунлиги бўйлаб Зарафшон дарёсининг кўп йиллик сув сифатини баҳолаш натижалари акс этган, 1:700000 масштабдаги хариталар ГАТ технологиялардан фойдаланган ҳолда тузилди (5-расм).



5-расм. Зарафшон дарёси сувининг мис ва феноллар билан ифлосланиши хариталари

ХУЛОСА

1. Зарафшон дарёси гидрохимёвий режими ва сувининг сифати 11 та сув сифатини кузатиш пунктларида 50 дан ортиқ физик ва гидрохимёвий кўрсаткичлар бўйича маълумотларни таҳлил қилиш орқали баҳоланди. Тадқиқот натижаларига кўра, дарё узунлиги бўйича сув сарфи камайиши фонида минерализация ортади. Зарафшон дарёсининг Ўзбекистонга кириш қисмида – Равотхўжа пунктида минерализация миқдорининг 252,7-318,8 мг/дм³, Хатирчи пунктида 347,8-639,1 мг/дм³, Навоий (юқори) пунктида 908,0-1875,1 мг/дм³, Навоий (қуйи) пунктида 994,4-2117,7 мг/дм³, Бухоро (қуйи) пунктида 2260,1-2652,2 мг/дм³ оралиғида ўзгариб туриши аниқланди.

Минерализация миқдorigа кўра, Зарафшон дарёсининг суви Равотхўжа ва Самарқанд пунктларида - ўртача минераллашган, Сиёб, Сиёб (қўшимча), Каттақўрғон, Толигулён, Хатирчи пунктларида - юқори минераллашган, Навоий (юқори), Навоий (қуйи), Бухоро (юқори) ва Бухоро (қуйи) пунктларида - жуда юқори минераллашган сувлар гуруҳига киради. Дарё оқими бўйлаб, минерализациянинг ортиши кузатилади.

2. Зарафшон дарёсининг 4 та, яъни Равотхўжа, Самарқанд, Хатирчи, Навоий (юқори) пунктлари маълумотларидан фойдаланиб, минерализациянинг сув сарфига боғлиқлигини ифодаловчи регрессия тенгламаларини тузиш ва уларнинг аниқлигини статистик баҳолаш натижасида минерализациянинг сув режими фазаларига боғлиқлиги - тўлинсув даврида минерализация миқдори паст, камсувли (межень) даврда эса юқори бўлиши аниқланган.

3. Зарафшон дарёси узунлиги бўйича минерализация миқдорининг ортиши билан бир пайтда ион таркибининг ўзгариши ҳамда HCO_3^- иони ва минерализация орасидаги боғлиқликни камайиши, лекин унинг токсик ионлар (SO_4^{2-} , Cl^- , Na^+ , Mg^{2+}) билан боғлиқлигининг ортиши, яъни ушбу ионларнинг минерализациядаги ҳиссаларининг ортиши аниқланди. Зарафшон дарёсининг суви қаттиқлигига кўра, Равотхўжа пунктида юмшоқ сувлар гуруҳига киради, дарёнинг қуйи оқими томон, Навоий (юқори) пунктдан бошлаб, жуда қаттиқ сувлар гуруҳига ўзгаради.

4. Зарафшон дарёси сувининг Равотхўжа пунктдан то Хатирчи пунктгача гидрокарбонатлар синфига, Навоий (юқори) пунктдан то Бухоро

(қуйи) пунктигача сульфатлар синфига мансублиги аниқланди. Дарёнинг юқори қисмида - Равотхўжа, Самарқанд пунктларида дарё суви кальций гидрокарбонатли ($\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$), Сиёб, Сиёб (қўшимча), Толигулён, Каттакўрғон, Хатирчи пунктларида магний гидрокарбонатли ($\text{Mg}(\text{HCO}_3)_2$) бўлса, қуйироқда, яъни, Навоий (юқори), Навоий (қуйи), Бухоро (юқори) ва Бухоро (қуйи) пунктларида магний сульфатга (MgSO_4) ўзгаради. Антропоген таъсир натижасида дарё суви гидрокарбонат-кальцийли типдан сульфат-натрийли типга ўзгаради, яъни “метаморфизацияланади”.

5. Зарафшон дарёси узунлиги бўйича, антропоген таъсир натижасида, дарё сувининг минерализацияси Равотхўжа пунктига нисбатан Навоий шаҳри яқинидаги пунктларда 400%га, Бухоро шаҳри яқинидаги пунктларда 800%га ортиши, шунингдек, мос равишда, хлоридлар 1600% ва 5400%га, сульфатлар 800% ва 1500%га, натрий 1300% ва 2900%га, калий 300% ва 1000%га, кальций 250% ва 400%га, магний 500% ва 1000% га ортиши аниқланди.

6. Зарафшон дарёси сувида аммоний азоти (N-NH_4^+) ўртача кўп йиллик миқдорининг 0,03-0,50 мг N/дм³, нитрит азоти (N-NO_2^-) ўртача кўп йиллик миқдорининг 0,01-0,17 мг N/дм³, нитрат азоти (N-NO_3^-) ўртача кўп йиллик миқдорининг 0,82-3,65 мг N/дм³ оралиқларда ўзгарганлиги аниқланди.

7. Ўзбекистонда, ҳозирги вақтда, Зарафшон дарёси сувининг 85 фоизидан суғориш мақсадларида фойдаланилади. Дарё сувининг сифати суғориш мақсадлари учун 4 та усулда баҳолаш натижаларига кўра, дарё суви Самарқанд вилоятида суғориш мақсадларида фойдаланишга яроқли бўлса, Навоий вилояти ҳудудида сувнинг сифати ёмонлашиб, қониқарсиз ҳолатга ўтади, Бухоро шаҳридан кейин эса суғориш мақсадларида фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолади.

8. Зарафшон дарёси суви сифатининг кўп йиллик маълумотлар бўйича таҳлили натижасида қуйидагилар аниқланди: 1) дарё сувидаги ифлослантувчи моддалар – минерализация миқдори, ККИ ва КБИ₅, азот бирикмалари (аммоний, нитрит, нитрат), фтор, темир ва оғир металллар (мис, рух, хром) Самарқанд вилояти ҳудудидан бошлаб, қуйи, яъни Навоий ҳамда Бухоро вилоятлари томон ортиб боради; 2) дарё сувининг сифати СИИ бўйича барча кузатув пунктларида II синф (кучсиз ифлосланган сувлар)дан V синф (ифлосланган сувлар)гача ўзгаради; 3) дарёнинг Сиёб, Сиёб (қўшимча), Навоий (қуйи) ҳамда Бухоро (қуйи) пунктларида, бошқа кузатув пунктларига нисбатан, СИИ юқори. Зарафшон дарёси оқимида антропоген таъсирнинг ортиши унинг узунлиги бўйича суви сифатининг ёмонлашишига олиб келмоқда.

9. Зарафшон дарёси сувидаги рухсат этилган меъёр (РЭМ) дан юқори бўлган ифлослантувчи моддалар мисолида дарё узунлиги бўйлаб сув сифатини баҳолаш натижалари акс эттирилган ГАТ технологияларини қўллаш асосида яратилган хариталардан сув сифати назорати билан шуғулланувчи ташкилотлар ва қарор қабул қилувчи ҳукумат органларида сув ресурсларини оқилона ишлатиш режаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.27/30.12.2019.G.47.01 ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

АБДИЕВА МАТЛУБА ШУКУРОВНА

**ГИДРОХИМИЧЕСКИЙ РЕЖИМ РЕКИ ЗЕРАВШАН И ЕГО
ИЗМЕНЕНИЯ ПОД ВЛИЯНИЕМ АНТРОПОГЕННЫХ ФАКТОРОВ**

11.00.03 – Гидрология суши. Водные ресурсы. Гидрохимия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2018.1.PhD/Gr49.

Диссертационная работа выполнена в Научно-исследовательском гидрометеорологическом институте.

Автореферат на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (www.nigmi.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Нишонов Бахриддин Эркинович
кандидат технических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты:

Хикматов Фазлиддин Хикматович
доктор географических наук, профессор

Хайдаров Сафарбой Абдирашитович
доктор философии по географическим наукам

Ведущая организация:

**Научно-исследовательский институт
иригации и водных проблем**

Защита диссертации состоится «12» сентября 2022 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета по присуждению учёных степеней DSc.27/30.12.2019.G.47.01 при Научно-исследовательском гидрометеорологическом институте (Адрес: 100052, г.Ташкент, ул.1-й проезд Бодомзор йули, 72. Тел: +998 71 2358512, факс: +998 71 2371319, e-mail: info@nigmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Научно-технической библиотеке Научно-исследовательского гидрометеорологического института (зарегистрирован за №215) (Адрес: 100052, г. Ташкент, ул. 1-й проезд Бодомзор йули, 72. Тел: +998 71 2358512, факс: +998 71 2371319).

Автореферат диссертации разослан «27» августа 2022 года.
(Реестр протокола рассылки № ___ от «27» августа 2022 года).



Б.М.Холматжанов
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.г.н.

Э.Ю.Сафаров
Врио Учёного секретаря Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н.

Х.Т.Эгамбердиев
Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению учёных степеней, д.г.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в результате изменения климата во всем мире, одновременно с сокращением водных ресурсов, возрастает антропогенное воздействие на водоемы. В связи с этим в Докладе ООН о состоянии водных ресурсов отмечается, что "в результате повышения температуры водных ресурсов, с уменьшением количества растворенного в воде кислорода и, соответственно, снижения способности к самоочищению пресноводных водоемов, их качество ухудшается. Также, в засушливые периоды в результате увеличения концентрации загрязняющих веществ возникает риск загрязнения водных ресурсов"¹. Такая ситуация в засушливых регионах, при рациональном использовании водных ресурсов, требует учета изменений гидрохимического режима рек из-за влияния хозяйственной деятельности человека.

В мире особое внимание уделяется исследованиям в этом направлении, в частности, вопросам оценки влияния антропогенных факторов на гидрологический режим рек и на качество водных ресурсов, охране от загрязнения и совместное эффективное использование трансграничных рек, применения водосберегающих и современных технологий при использовании воды в различных сферах человеческой деятельности. Также, в условиях нарастающего дефицита воды в мировых масштабах, изучение изменений гидрохимического режима рек под сильным антропогенном воздействием по годам и месяцам, в периоды разных фаз водного режима, и на этой основе совершенствовать методы рационального использования речного стока, считается важной задачей.

В нашей республике особое внимание уделяется реализации мер, направленных на более эффективное использование водных ресурсов трансграничных рек, в частности реки Зеравшан, и в этом отношении достигнуты значительные положительные результаты. В частности, в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы поставлены важные задачи по "развитию сетей ирригационных сооружений... предотвращению экологических проблем, наносящих вред окружающей среде, здоровью и генофонду населения"². В связи с этим, научно-исследовательские работы, направленные на оценку изменений гидрохимического режима реки Зеравшан, которая является основным источником воды в Самаркандской, Джизакской, Кашкадарьинской и Навоийской областях республики, под влиянием антропогенных факторов и на улучшение качества речной воды являются актуальными.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, поставленных в Указах Президента Республики

¹ Всемирный доклад ООН о состоянии водных ресурсов, 2020 г. https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000372882_rus

² Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

